Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 14-aprel • Seshanba • 44 (29.005) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Маънавий бойлик — моддий бойликдан минг бор устун».

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янги мактаб бинолари қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш жадал давом этаяпти. Яқинда Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги Ойим қишлоғида 7-умумий ўрта таълим мактаби учун янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди.

ХАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА — МАКТАБ МАСАЛАСИДИР

Янги мактаб фан хоналари, лабораториялари, замонавий спорт зали керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Ишончимиз комил, мактаб ўқитувчилари бу имкониятлар қадрига етиб, таълим-тарбия сифатини янада оширишади, ёшлар эса юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етишади.

Суратларда: *янги қурилган мактабнинг умумий кўриниши; рус тили ўқитувчиси Ҳадичахон Ҳакимова дарс пайтида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ТАРАФДОРЛАРИМИЗ ОРТИШИДАН МАНФААТДОРМИЗ

«Жарқўрғоннефть» очиқ акциядорлик жамияти Сурхондарё вилоятидаги энг йирик саноат корхоналаридан биридир. Жамоада 750 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари меҳнат қилади. Улар мамлакатимизда нефть мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Аҳил жамоанинг меҳнати туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилнинг биринчи чорагида 32900 тонна нефть қазиб олинди.

Бу ердаги партиямиз бошланғич ташкилотига 35 нафар аъзо бирлашган. Яқинда мазкур қуйи бўғиннинг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб бошланғич партия ташкилоти раиси Фарҳод Абдуллаевнинг ҳисоботи тингланди.

— Партиядошларимиз ва электоратимиз фаоллигини ҳар жиҳатдан ошириш — Ватанимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигига хизмат қилади, — деди у. — Президентимиз ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилингач, бу жараён янги босқичга кўтарилди. Мақсад — юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини, масъулиятини кучайтиришдан иборат.

Ишчи-хизматчилар меҳнатини самарали ташкил этиш ва унга муносиб ҳақ тўлаш борасидаги масалалар ҳам бошланғич ташкилотимиз доимий эътиборида. Мазкур ишларда корхона раҳбарияти бу ердаги жамоат ташкилотлари, шунингдек, БПТ билан маслакдошдир. Пенсионерлар, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик қилиш, улар ҳолидан хабар олиш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида фаоллар билан амалий ишлар мунтазам олиб борилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Фаолларимизнинг ташаббуси билан жамоада узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 165 нафар фахрийга корхона ҳисобидан ойига 6,5 миллион сўм қўшимча нафақа берилаяпти.

2-бет

БЕШ ҚИТЪАНИ БИРЛАШТИРГАН КУРАШ

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган IX халқаро турнир чинакам спорт байрамига айланиб кетди

ПОЛВОН

Абдулла ТАНГРИЕВга

Меросий полвонсан, Алпомиш отанг,
Кўзингда чақнайди офтоб шуъласи.
Рақибингни силтаб осмонга отсанг
Ойни кўриб қайтар биратўласи.

Абдулла ОРИПОВ
11.04.2009 й., Термиз

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда, низоли масалаларга холис баҳо беришда экспертизанинг аҳамияти беқиёс. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Суд экспертизанинг замонавий имкониятлари, унинг одил судловни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти» мавзуида матбуот анжумани ўтказди. Унда Адлия вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги суд экспертиза маркази ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ОДИЛ СУДЛОВ

уни таъминлашда экспертизанинг аҳамияти

Тадбирни ташкил этишдан мақсад — марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида суд экспертиза материаллари савиясини яхшилаш, кенг оммани суд экспертизанинг вазифалари, одил судловни таъминлашдаги ўрни, унинг замонавий имкониятлари билан таништиришдан иборат. Шунингдек, соҳа вакиллари билан ОАВ ҳамкорлигини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Анжуманда Республика суд экспертиза марказидаги янгиликлар, соҳадаги амалий ишлар бўйича масъуллар маълумоти тингланди.

Суд экспертиза кўп қиррали соҳа бўлиб, ҳатто ҳуқуқшуносларда ҳам унинг замонавий имкониятлари, турлари, ҳал этадиган масалалари ҳақида тўлиқ тушунчага эга дея олмаймиз.

Шунинг учун тадбирда ОАВ ходимлари эътибори бу борадаги ислоҳотлар ва ўзига хос ўзгаришлар моҳиятини кенгроқ очиб беришга қаратилди.

Шунингдек, тадбирда суд экспертизанинг турли йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Равшан ШОДИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 14 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1041,19	1 Малайзия рингити	398,70
1 Англия фунт стерлинги	2110,92	1 Польша злотийси	437,43
		1 СДР	2141,85
1 Дания кронаси	254,73	1 Туркия лираси	921,59
1 БАА дирхами	392,32	1 Швейцария франки	1245,70
1 АҚШ доллари	1440,90	1 Евро	1897,09
1 Миср фунти	256,25	10 Жанубий Корея вони	10,83
1 Исландия кронаси	11,32	10 Япония иенаси	143,64
1 Канада доллари	1175,96	1 Россия рубли	42,84
1 Хитой юани	210,91	1 Украина гривнаси	187,13

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

• САХОВАТНИНГ САВОБИ...

Вилоят телевидениесида бир тадбиркорнинг қилган ҳомийлиги ярим соатча мақталди. Рақамлар ҳам келтирилди. Яратганнинг бор мағфирати шу банда бошига ёғилади, деб ҳамкасбимиз билағонлик ҳам қилди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• ҚУРҒОҚЧИЛИК ДАВРИДА

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ СИНАЛГАН УСУЛЛАРИ



3-бет

Маънавий мерос

• БОЙКАНДНИНГ БОЙЛИКЛАРИ

«У Бухоро шаҳридан қадимийроқ. Бу вилоятда бўлган ҳар бир подшоҳ ўзи учун Бойкандни турар-жой қилар эди. Бойканд аҳолиси бирор кишининг Бойкандни қишлоқ деб аташига розилик берган эмаслар. Агар бирор бойкандлик Бағдодга борса ва ундан «Сен қаердансан?» деб сўрасалар, у Бойкандданман деган».

4-бет

✓ ЎзХДП ҳаёти

Партиямиз Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан Охунбобоев туманида соғлом она ва соғлом бола ҳаракатини такомиллаштиришда БПТнинг иштироки мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия бошланғич ташкилотлари раислари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

Фарғона вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Зиёда Абдуллаева «Фаол аёллар» қаноти томонидан олиб борилаётган кўпгина тадбирлар она-бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгани, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уй шароитида аёлларнинг касаначилик билан шуғулланишини йўлга қўйиш, ҳукумат томонидан оналар ва болаларга берилаётган имтиёзлардан ҳар биримизнинг оқилона фойдаланишимиз ҳақида тўхталди. Зеро, бу масала партиямиз дастурий мақсадларида ҳам кўзда тутилган.

Охунбобоев туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳаббатхон Мўйдинова Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган «Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш» Дастури асосида амалга оширилган ишлар юзасидан фикр юритди. Туманда, айниқса, таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ёшларга катта аҳамият берилаётгани, уларнинг спорт ва фан йўналишларида эришаётган ютуқларига тўхталиб ўтди.

Тадбир савол-жавобларга бой бўлди. Якунда 12 нафар йигит-қизга Халқ демократик партиясига аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

ФАОЛЛАР ТЕНГДОШЛАРИ ОРАСИДА

«Истиқбол» ёшлар қаноти сафида серғайрат, фаол, етакчиликка интилувчи йигит-қизлар тобора кўпаймоқда. Айни кунларда «Истиқбол»чилар мамлакатимизнинг турли гўшаларида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга оширишда ёшларнинг ўрни ва иштирокига бағишланган тадбирларни ташкил этаяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад — чуқур ўйланган, узоқни кўзлаб изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига ёшларни фаол жалб этиш, уларнинг сиёсий маданияти, интеллектуал салоҳиятини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Қоракўл туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати Давлат дастуридаги ёшлар ҳаётига дахлдор масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳлари, партия Жамоатчилик қабулхоналарининг ролини кучайтиришга бағишланди.

Унда битирувчиларнинг ўз мустақил иш фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашиш, айни пайтда, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқлари талаб ва эҳтиёжини назарда тутган ҳолда туман маркази, чекка қишлоқлардаги касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш жараёнини мониторинг қилиб бориш борасида фикрлар билдирилди.

Сурхондарё вилоятида ташкил этилган қишлоқ ёшларида етакчилик қобилиятини ривожлантириш мавзуидаги семинар-тренингда ёшлар етакчилик ва бошқарув шакллари ҳақидаги тушунчалари, кўникмаларини синовдан ўтказишди, билимларини мустаҳкамлашди. Шу билан бирга, бу йилги Давлат дастури, унда ёшлар ҳаётига оид вазифаларни самарали ҳал этишда ёшларнинг иштирокини кучайтириш юзасидан режалар ишлаб чиқилди.

— «Истиқбол»чилар ташкил этаётган бу каби анжуманлар ёшларнинг касбга муносабатини шакллантириб, етук мутахассис бўлишга рағбатини кучайтириши шубҳасиз, — дейди Термиз банк коллежи талабаси Аваз Омонов. — Тадбирда билимларимизни бойитиш билан бирга, имкониятларимиздан унумли фойдаланиш воситаларини ҳам кўриб чиқдик. Ушбу тренинг тенгдошларим учун танлаган соҳа, йўналишимизда ўз истеъдодимизни янада кенг намоён этишимизга қаратилгани сабабли қизиқарли ва фойдали бўлди.

— Семинарга узоқ қишлоқлардан тенгдошларим жалб этилгани мени жуда қувонтирди, — дейди «Келажак овози» ЁТМ Сурхондарё вилоят вакиллик маркази лидери Зуҳра Жўраева. — Олис ҳудудлардан келган йигит-қизлар ҳар соҳада билим ва имкониятларини намойиш этишга, етакчилик сир-асрорларини ўрганишга жуда чанқоқ, интилишлари ҳамда масъулияти кучли. Шу сабабли улар тренингда янада кўп билимга эга бўлдилар.

— Раҳбарлик қобилияти бўлмаган инсонда жамоани бошқариш масъулияти ҳам бўлмайди, — дейди Мастура Ҳамроева. — Бундай киши ишни ташкил этишда қийналади, меҳнатининг самарали бўлишини таъминлай олмайди. Семинарда раҳбар қандай сифатларга эга бўлиши кераклиги, етакчилик қобилияти, раҳбар имижи ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлдик. Жамиятдаги ўзгаришлар, атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бера оладиган, ўз фаолиятига танқидий ёндаша биладиган, дунёқараши кенг, мақсад сари интилувчан, масъулиятли раҳбар юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўша олади.

Семинарда ёшларнинг раҳбарлик қобилиятини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришда кекса авлоднинг бой ҳаётий тажрибаси, устоз-шогирдлик анъаналаридан фойдаланиш борасида ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ТАРАФДОРЛАРИМИЗ ОРТИШИДАН МАНФААТДОРМИЗ

Илғор ишчи-хизматчилар, айниқса, ёшларни партиямиз сафига қабул қилиш ҳар биримиз учун муҳим ва масъулиятли вазифа. Ўқув юртини битириб келган Сирожиддин Каримов, Санжар Ҳамроев, Икром Сафаров, Сирожиддин Маллаев каби ёшлар сафимизга қўшилгани қувончли, албатта.

Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, касаначиликни йўлга қўйиш масаласини кўтардик. Бу йил 25 нафар қишлоқ аҳолисини касаначиликка жалб этмоқчимиз. Улар махсус кийим-бош ва қўлқоплар тикишади.

Лекин кейинги пайтда ташкилотимиз фаолиятида бироз сусткашликка йўл қўйилди. Фаолликни ошириш, дастурий мақсадларимиз ҳаётда ўз ифодасини тўлиқ топиши учун узлуксиз курашиш ҳар бир сафдошимизнинг вазифасига айланишини истар эдим.

Йиғилишда БПТ фаолиятини кучайтиришга доир қатор таклиф ва мулоҳазалар айтилди.

— Ўтган йили туман кенгаши билан ҳамкорликда, корхона ҳомийлигида 16 нафар кам таъминланган оилага ёрдам кўрсатилди, — деди Эшмўмин Турсуналиев. — Бундан кейин ҳам ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, ана шундай хайрли ишларни ҳам давом эттирсак, тарафдорларимиз, қўллаб-қувватловчиларимиз янада кўпаяди. Биз эса бундан манфаатдормиз.

— Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш мақсадида улар ўртасида кўрик-танловлар ташкил этилиши яхши самара беради, — деди Олимжон Расулов.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилоти раиси, ижроия қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман ташкилоти конференциясига делегатлар сайланади.

Тадбирда бир гуруҳ ёшларга, жумладан, Зулфия мукофоти соҳиби Севара Норбоевага партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Сурхондарё вилоятида партиямизнинг 772 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. Улар атрофида 32 минг нафар аъзо жипслашган. Ҳозир ҳар бир бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари амалий тусда, очиқ-ошкора бўлаётгани, партиядошларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини баралла айтаётгани қувончлидир. Бу бошланғич ташкилотларимиз кейинги фаолияти кучайишига хизмат қилади.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Ижтимоий ҳимоя

Куни кеча пойтахтимиздаги «Редиссон» меҳмонхонасида Халқ таълими вазирлиги ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди билан ҳамкорликда «Алоҳида эҳтиёжли болаларга таълим беришнинг ижтимоий, ташкилий ва иқтисодий аспектлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Мазкур тадбир алоҳида эътиборга эҳтиёж сезадиган болаларга таълим бериш муаммолари, шунингдек, Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш истиқболларига бағишланди.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизда Давлат дастурлари доирасида инклюзив таълимни ҳаётга татбиқ қилиш режалари алоҳида белгилаб қўйилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги томонидан 2005 йилнинг сентябрь ойида «Инклюзив таълим мувақкат низоми» қабул қилинганди. 2007 йилдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида янги таҳрирда ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам инклюзив таълим масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Бугунги кунда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда тизимда амалга оширилаётган «Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги 18 та таълим муассасаси, яъни олтита имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб ва 12 та умумтаълим мактаблари танлаб олинган. Айни пайтда уларда имконияти чекланган болаларга сифатли таълим бериш, болаларнинг ўзлаштириши, билим салоҳиятини ошириш, бунинг учун зарур бўлган ўқув қўлланмалари ва жиҳозлари билан таъминлаш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш жоизки, ҳозир мамлакатимизда 89 та мактаб ва мактаб-интернатлар мавжуд бўлиб, уларда 18 минг нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган 11 минг нафар болага эса уй шароитида таълим-тарбия берилаётир.

Давра суҳбатида республикамизда инклюзив таълим соҳасида фаолият юритувчи давлат идоралари, жамоатчилик ва халқаро ташкилотларнинг олиб бораётган ишлари ҳақида сўз юритилди. Тадбир иштирокчилари алоҳида эътиборга муҳтож болаларга таълим хизматлари кўрсатилишининг иқтисодий жиҳатлари, уларни ташкил қилиш ва умумтаълим ўқув жараёнига татбиқ қилиш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: *шифо масканидан лавҳалар.*

Муаллиф олган суратлар.



Когон туманида «Файзмедсервис» хусусий клиникаси иш бошлаганига тўрт йилдан ошди. Ўтган вақт ичида шифо маскани аҳоли ишончини қозонди.

— Бу ерда стационар даволаниш учун беморларга барча қулайликлар яратилган, — дейди клиника бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Обид Қурбонов. —Бўлимларимиз замонавий диагностика аппаратлари, даволаш ускуналари билан таъминланган.

— Илгари шаҳримизда кўримсизгина касалхона бор эди, — дейди меҳнат фахрийси Абдурашид Муҳиддинов. — Даволаниш учун узоқ вақт ётардик. Шарт-шароит йўқлигидан дори-дармонда ўзилишлар бўлгани учун беморлар дардига шифо излаб, вилоят марказига боришга мажбур эди. Ҳатто ультратовуш аппаратига тушиш учун марказга қатнарди. Энди узоғимиз яқин бўлди. Яратилган шароит, малакали шифокорларнинг хизмати, қолаверса, замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида беморлар дарддан фориғ бўлишаяпти.

Даврон БАҲРОНОВ

ЯНГИ ҚИЁФАДАГИ ОРОМГОҲ

Нурота тоғолди «Зим» массивида илгари вилоят матлубот жамиятининг болалар оромгоҳи бўларди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган, айтарли нураб бўлган бу масканни «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) ўз тасарруфига олди-ю, аҳвол батамом ўзгарди.

Янги 9 та болалар ётоқхоналари қуриб ишга туширилди. Ошхона, янги ўйингоҳ, 19 гектарлик боғ барпо этилди. Бассейн, кинотеатр, кутубхона қурилди. Интернет тизимига уланган компьютер маркази иш бошлади.

Эндиликда «Шабада» деб номланувчи ушбу оромгоҳда наинки келажак ворислари, балки уларнинг ота-оналари ҳам дам олишлари мумкин. Яқинда бу ерда ота-оналар профилактик маркази ҳам иш бошлади.

— Оромгоҳимиз энди қишин-ёзин ишлайди, — дейди дам олиш маскани директори Умар Отамуродов. — Ёз ойларида кичкинтойлар ором олса, куз ва қиш ойларида уларнинг ота-оналари ҳордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Музаффар ШАРОПОВ

! Мулоҳаза

САХОВАТНИНГ САВОБИ...

Ривоят қилишларича, Хожа Аҳрор Валий бир куни бозор оралаб кетаётиб, тасодифан битта гадойга йўлиқиб қолади. Садақа қилай деса, ёнида пули йўқ. Шунда бошидан симобий салласини ечиб ошпазга беради-да: «Бу салла покиза, ундан фойдаланиш мумкин. Энди сен манави гадойга бирор нарса бергил!» дейди. «Хўп бўлади, тақсир», деб ошпаз гадойга таом беради. Шошиб қолган ошпаз саллани эгасига қайтармоқчи ҳам бўлди, аммо Хожа Аҳрор Валий дасторини қайтариб олмади. Чунки симобий салла гадойга садақа ўрнига берилган эди. Садақани савоб учун қиладилар. Савоб қайтариб олинмайди!

1

Садақа — савоб. Садақа — ошкора қилинадиган эҳсон. Сабаби, у сўраган бандасига берилади. Муҳтожга сўрамаса-да аталади.

Хайр-эҳсон ҳам — савоб. Аммо фарқи хайр-эҳсон пинҳона қилинади. Шунда савоби тегади. «Ўнг қўлинг қилган хайр-эҳсонни чап қўлинг билмасин!» деган ҳикмат шунга ишора.

Вилоят телевидениесида бир тадбиркорнинг қилган ҳомийлиги ярим соатча мақталди. Рақамлар ҳам келтирилди. Яратганнинг бор мағфирати шу банда бошига ёғилади, деб ҳамкасбимиз билағонлик ҳам қилди. Ачинарлиси, хайрия «томошаси» ҳам намойиш этилди. Экранда бир қоп унни икки учидан ушлаб, кўтариб турган икки одам кўринди. Бири ҳалиги тадбиркор, иккинчиси ун олаётган муҳтож киши. Тасвир ортида мухбир ўша «ночор оила бошлиғи исми шарифини айтиб, роса миннатдор эканлигини» таъкидлади, бу ёқда тасвирчи «муҳтож»ни биринчи планда кўрсатаяпти. Ғамгин қиёфа. Аслида, бу бир қоп унни сўраб олаётган кишининг уялаётгани. Ахир, бу тасвирни бутун вилоят аҳли кўриб турибди.

Кейин ўша ҳамкасбимга кўрсатув ҳақидаги фикрларимни айтдим. У эса: «Бу тижорат кўрсатуви эди. Тадбиркор пулини тўлаб, ўзи тасвирга олдирди, шу гапларни айтасизлар, деб тайинлади. Бу юртма материал бу, чорамиз не?» деб ўзини оқлади.

2

Бағрикенг халқимизда хайр-эҳсон минг йиллик анъана. Айниқса, истиқлол йилларида у бор-бўйи билан намоён бўлмоқда. Аммо...

Қизиқиб қолдим, вилоятда энг кўп хайр-эҳсон қилган, қилаётган тадбиркор, фермер ёки бошқа касб эгаси ким экан? Урганч шаҳридаги бир тадбиркорни айтишди. Ўша одамни излаб бордим. Тадбиркор олтмишлардан ошган киши экан. Мақсадимни англамай дарров рад қилди: «Бу ҳақда ёзманг! Юртбошимиз «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак!» деб роса топиб айтган. Лекин, шу арзимас савобни ноғора чалиб, элга ошкор қилгин, демаган-ку! Хайрияни айтсанг — миннатга айланади. Миннатли мол эса татимайди, биродар!»

Бари бир, мухбирлик қизиқишим тинч қўймади. Тадбиркор айтмагани билан у киши сўнгги ўн йилда қилган хайр-эҳсонлари тегишли идораларда қайд этилган экан. Мана уларнинг айримлари: вилоят клиник шифохонасини таъмирлашга — 5 миллион сўм. Вилоят туғуруқхонасини таъмирлашга ҳам 5 миллион сўм. Шаҳар марказий шифохонасига «Тез ёрдам» машинаси...

Сўнгги тўққиз йилда бу рўйхат юздан ортиқ ташкилотлар номи ва рақамлар билан тўлган. Булар орасида камбағал оила фарзандлари тўйларини ўтказиш, турли ўқув даргоҳларига ҳомийлик ёрдами, спорт жамоаларини моддий қўллаб-

3

қувватлаш ҳам бор. Барча рақамларни қўшиб чиқдим — 35 миллион сўмдан ошди. Бу таққослама нархларда — 3 та «Нексия» русумли машина дегани. Ўша тадбиркорлар ҳам шу русумдаги машинада юради. Бировдан ортиқ, бировдан кам дегандай.

Мени ажаблантиргани бу ҳақда вақтли матбуотда деярли ёзилмаган. Ёзилиб, айтилса-да бир икки жумлада «Тадбиркор Фалончиев ҳомийлик қилди» ёки «Фалончиев хайрия кўрсатди» деб эслатилади, холос. Рақам ва берилмиш маҳсулот, мол-мулк миқдорини айтишни тадбиркор ман қилган ва тўғри қилган.

Матбуотда ўқиб қолдим. Қайсидир бир туманда фаолият юритаётган фермер Наврўз арафасида ўн оилага бир қопдан ун хайрия қилибди. Отасига раҳмат! Аммо, бир парча мақолага ўша фермернинг суратини қистириш, ун олган хонадон эгалари исм-шарифларини тўлиқ келтириш шартмиди? Бу ҳамкасбимизнинг «маҳорати»ми ё «савобталаб» фермернинг «мақтаниши»ми? Ўқиб ҳайрон бўлдим ва кўз олдимга дарров учта «Нексия» баҳосида хайрия қилиб буни қалб тўрида сақлаётган, бу ҳақда ёзишимизга қарши бўлган биродаримиз эсга тушди.

Саховатнинг тамойиллари ҳақида ўйга толасан киши. Беминнат ва миннатли саховатнинг савоблари ҳақида ўйлайсан...

4

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Долзарб мавзу

Ўзбекистон гидрометеорология марказининг маълумотига қараганда, бу йил суғориш мавсумида Амударё ва Сирдарёнинг суви одатдаги меъёрга нисбатан 65-75 фоиз, баъзи дарёларда 35-65 фоиз кам бўлиши мумкин ва бу ҳолат кейинги 2-3 йил ичида сақланиб қолиш эҳтимоли бор.

Мавжуд сув омборларида ҳам сув захиралари камаймоқда. Масалан, Ўртатўқай (Косонсой) сув омборида 2009 йилнинг 15 февралига 7,47 млн. кубометр сув йиғилган, холос. Бу кўрсаткич 2008 йилнинг шу кунида 47,87 млн. кубометр эди.

ҚУРҒОҚЧИЛИК ДАВРИДА

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ СИНАЛГАН УСУЛЛАРИ

Узоқроқ даврларга берилган прогнозлар янада ташвишли. Ўзгидромет таҳлилларига қараганда 2030-2080 йилларда Наманган вилоятидаги Подшоотасой суви 20-30 фоизга, Чодаксой ва Говасойнинг суви эса 40-50 фоизга камайиши мумкин. Наманган давлат университети география кафедрасида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, 1975-2005 йилларда 1945-1975 йиллардаги сув оқими миқдорига нисбатан Подшоотасой ва Косонсой суви 16-17 фоизга, Говасой ва Чодаксой суви 9-13 фоизга камайган.

Шунинг учун сув тақчиллигига тайёр туриш, бу ҳолат юзага келганда унга осонроқ мослашиш чоратадбирларини ҳозирдан ишлаб чиқиш лозим. Бундай имкониятлар, албатта, йўқ эмас. Мисол учун, соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, зарур бўлган сув ҳажмининг 75 фоизигина экин майдонларига етиб келади. Бу борада яна сув йўқотилишининг қуйидаги сабабларини ҳисобга олиш, айниқса, муҳим:

ички хўжалик ва магистрал каналларда сувнинг сингиши ва парланиши, юқори меъёрда суғориш ёхуд ўз вақтида фойдаланилмаслиги оқибатида сувнинг исроф бўлиши, бунинг натижасида сизот сувлари, ернинг шўрланиш даражаси ошиши ва тупроқ таркиби бузилиши, обиҳаётдан фойдаланиш коэффициенти эса 50 фоизга тушиб қолмоқда.

Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти Бухоро филиали тажриба хўжалигида ғўзани озиқлантириш ва суғоришнинг меъёрий миқдори ҳамда услублари юзасидан ўтказилган илмий изланишлар шуни кўрсатдики, сувни тежамкорлик билан ишлатиш ундан фойдаланиш коэффициентини оширишга олиб келади.

НамДУ география ва экология асослари кафедраси вилоятдаги суғориладиган майдонлар, уларнинг экин турлари бўйича тақсимотини статистик маълумотномалар ва илмий ишланмалар асосида таҳлил қилиб, 1 гектар экин майдонига сарфланган сув миқдори 2005 йилда Поп, Норин ва Мингбулоқ туманларида энг кўп — 9300-11300 м³ ни ташкил этганлигини аниқлади. Буни ушбу худудларда ернинг шўри ювилиши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу туманлар умумий экин майдонининг 53-59 фоизида пахта етиштирилади. Худди шундай ҳолат Наманган, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туманларида ҳам мавжуд. Аммо уларда 1 гектар майдонга сарфланган сув 8400-8800 м³ ташкил этган. Уйчи туманида эса 1 гектарга 8500 м³ сув сарфланган, Косонсой туманида эса — 5900 м³. Пахта майдонлари анча кам бўлган Янгиқўрғон туманида эса бу миқдор бор-йўғи 3500 м³ га тенг.

Маълумки, ҳавода анчамунча нам бор. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда бир йилда Ўрта Осиё устидан ҳаво оқимлари таркибида 1200-3000 км³ сув ўтади. Бу миқдор ушбу ҳудуддан оқиб ўтадиган дарёлар сувидан 8-15 марта кўп. Ҳаво таркибидаги ана шу сувдан фойдаланиш ишлари жуда қадимдан олиб борилади.

Ҳаводаги намнинг анчагина миқдори ҳаво билан бирга тупроқ орасидаги бўшлиқларга кириб, у ерда конденсацияланади, яъни тупроқни намлайди. Баъзан конденсация натижасида тупроқда ҳосил бўлган сув қатлами 40 мм.гача ошиши мумкин. Бундай миқдордаги ёғин миқдори бизнинг шароитимизда жуда қаттиқ ёққан жаладагина қузатилади. Аммо бу нам тупроқда узоқ қолмайди, тез буғланиб кетади. Бунга қандайдир тўсиқ яратиш зарур ва бу тўсиқ сифатида оддий полиэтилен плёнкани ишлатиш мумкин. Плёнка билан дарахт танаси атрофидаги тупроқни қопласак, мақсадга эришиш имконияти бор. Лекин бундай қилсак, парник эффекти яратамиз. У эса ҳамма вақт ҳам, айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида фойдали эмас. Парник эффектини камайтириш учун олимлар плёнка устини 3-5 см қалинликда тупроқ билан қоплашни таклиф этади. Бундай тупроқ қоплами қуёш нурининг бир қисмини ушлаб қолиб, парник эффектини сусайтиради ҳамда буғланишга катта тўсиқ бўлиб хизмат қилади.



Олимлар бу тажрибаларни ёнғоқ ва олма дарахтлари устида бошлади. Илдиз атрофи плёнка билан қопланган ёнғоқ кўчатлари бошқа кўчатларга нисбатан 2,5 баробар тезроқ ўсди. Олма дарахтларининг ҳосили эса 10-15 фоизга кўпайди.

Кейинги тажрибалар сабзавот устида олиб борилди. 1986 йил иссиқ ва қуруқ келишига қарамай, помидорни умуман суғормай гектаридан 250 центнердан ҳосил олинди. Тўғри, меваси кичикроқ бўлди, аммо таъми жуда тотли бўлиб, узоқ сақланади. Қанд лавлаги, булғор қалампири, бақлажон ва ҳатто сувни кўп талаб қилувчи карам устида олиб борилган тажрибалар ҳам ижобий натижа берди.

Аслида, бу усул деҳқончиликда жуда қадимдан қўлланилган бўлиб, фан тилида мульчлаш (mulch — инглизча гўнг, сомон билан қоплаш маъносини беради) деб аталади. У тупроқдаги буғланишни сусайтиради, унинг ҳарорати суткалик амплитудасини (тебранишини) камайтиради. Плёнка билан қоплаганда буғланишга қарийб йўл қўйилмайди.

1954 йилнинг октябрь ойида Одессада ўтказилган тажрибада 60 см чуқурликка бир неча жойдан гидробур ёрдамида 5 л.дан сув юборилган. 12 соатдан кейин улардан бирида тупроқ кесими ўрганилган ва сув юборилган жойда ундан 4 баробар кўпроқ обиҳаёт борлиги аниқланган. 48 соатдан кейин ўрганилган кесмада сув янада кўпроқ эканлиги аниқланган. 1957 йил Қримда юз берган қаттиқ қурғоқчилик пайтида токзорларни сақлаб қолиш учун ушбу усул қўлланилган. Ўшанда ўтўланлар бутунлай қуриган. Ток новдаларида барглар қовжираб қолган. Бу ҳолатни кўрган боғбонлар аҳволни бироз бўлса-да, яхшилаш мақсадида гидробур ёрдамида ток илдизларига 3-4 литрдан сув юборишганди. Гидробурда қазилган диаметри 3-4 см.ли скважиналар эса очиқ қолган. Натижа аъло даражада бўлиб, токларнинг яшнаб ривожланишига олиб келган.

Бу борада яна бир тажриба илмий адабиётларда баён этилган. 70х80х100 см.ли чуқур устига плёнка тортилган. Унинг ўртасида кичикроқ бир тош қўйилади. Натижада чуқур усти конусга ўхшаган қопқоқ билан ёпилгандай бўлади. Бундай қурилма бир кеча-кундузда 1,5 литр сув йиғилишига имкон берган.

Баъзан учраб турадиган усуллардан бири — дарахт танаси атрофида тошларни тўплаб қўйишдир. Каттароқ бир тошни ёзнинг иссиқ кунларида ердан олиб тагига қарасангиз, нам эканини кўрасиз.

Тош ёрдамида ҳаводан сув олиш дунёда анча кенг тарқалган. Қримдаги Феодосия шаҳрини сув билан таъминлашда, Олтойнинг қадимги қўрғонларида, Тува Республикасида, Кавказортидаги Зожали шаҳарчасида, Францияннинг Вар департаментидаги Транс шаҳарчасида ва Монпельеда, Месопотамияда, Италиядаги Неаполда ва бошқа ҳудудларда бу усулдан фойдаланилган. Уларнинг ичида энг яхши ўрганилгани Феодосия қурилмасидир. Бу қурилма XIII-XV асрларда барпо этилган. 1988 йилда Феодосия шаҳрида 14 цистерна топилган. Улар диаметри 5-7 см сопол трубалар ёрдамида Тепа-Оба тоғидаги майда тошлардан қурилган 13 та пирамидага бориб тақалган. Бу пирамидаларнинг, тўғрироғи тош уюмларининг ҳажми 288 м³ гача бўлган. Булар конденсаторлар вазифасини бажарган. Уларда йиғилган сув сопол трубалар орқали бутун шаҳарни таъминлаган. 1903 йилнинг 1 ноябрида 4 ойлик қурғоқчиликдан кейин ўтказилган ўлчамлар 1 қувурдан суткасига 1400 м³, иккинчи қувурдан суткасига 720 м³ сув келганлигини кўрсатган. Шуни таъкидлаш лозимки, сув таъминотига эга бўлмаган Феодосия шаҳрида булоқларнинг қарийб йўқлигига қарамасдан XIX асрнинг 80-йилларида кўпгина фонтанлар ишлаб турган. XX аср бошларида бундай қурилма Феодосия яқинида синаб кўрилган. Ўшанда бу қурилма суткасига 432 литргача сув берган.

Юқорида келтирилган атмосфера ва тупроқ ҳавосидаги намдан қурғоқчил даврларда фойдаланиш усуллари деҳқонларимизга бироз бўлса ҳам ёрдам беради, деган умиддамиз. Зеро, сув тақчил бўладиган жойларда бундай усуллардан фойдаланиш яхши самара беради.

Йўлдошали РАҲИМОВ,
НамДУ ректори,
юридик фанлари доктори,
Баҳодир КАМОЛОВ,
география ва экология асослари кафедраси мудири,
география фанлари доктори.



АСЕАН САММИТИ

якунига етмай тўхтатилди

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси — АСЕАНга аъзо давлатлар бошлиқларининг Паттай шаҳрида (Таиланд) давом этаётган халқаро саммити якунига етмай тўхтатилди.

Гап шундаки, «Nation» АА хабар беришича, шанба куни юзлаб норозилик намойишчилари полиция қуршовини ёриб ўтиб, саммит ўтказилаётган «Royal Cliff Resort» меҳмонхонасига бостириб кирдилар ва меҳмонхонанинг икки қаватини эгаллаб олдилар. Натижада саммитда қатнашаётган давлат бошлиқларини меҳмонхона томидан вертолётларда хавфсиз жойларга олиб кетишга мажбур бўлинди.

Шундай қилиб, саммит ўзининг қизғин палласида тўхтатилди ва энди у жорий йилнинг август ойида Бангкокда ўтказилади. Паттайда имзоланмай қолган ўзаро келишув битимлари августда имзоланади.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги ҳукуматга қарши кучлар тўлқини Паттайда жума куниёқ бошланган эди. Бангкокда эса минглаб норозилик намойишчилари бош вазир Абхизит Вейжажив истеъфосини талаб қилмоқда.

Ҳукуматга қарши кучларнинг янги тўлқинини «кесиш» учун бош вазир жумани дам олиш куни, деб эълон қилганди, шунингдек, тартибсизликка бошчилик қилганлар қамоққа олиниши ҳақида огоҳлантирганди. Аммо барибир норозилик тўлқини тўхтамади, аксинча, шанба куни кучайиб кетди. Шунинг учун бош вазир Паттай шаҳри ва Чонбури музофотида фавқулодда ҳолат эълон қилди. Энди намойишга йиғилганлар полиция томонидан дарҳол қўлга олинади, чунки фавқулодда ҳолат боис полиция шундай ҳуқуққа эга бўлади.

Дарвоқе, фавқулодда ҳолат эълон қилинганидан сўнг мухолиф кучлар Паттайдаги «Royal Cliff Resort» меҳмонхонасини тарк этдилар ва Бангкокка йўл олдилар.

Умуман, март ойида бош вазир А. Вейжажив етакчилигидаги ҳукумат томонидан мамлакат иқтисодиётини жаҳон молиявий инқирози таъсиридан ҳимоялаш учун ишчиларга кўмак тарзида 2 минг бат (55 доллар)дан, умумий ҳисобда 9 миллион бат маблағ ажратилгач, Таиландда норозилик акциялари бошланиб кетди. Норозилик акцияси иштирокчилари бу кўмакни ҳукумат томонидан ишчиларга берилган «пора» дея баҳоладилар ва улар амалдаги ҳукуматни ҳокимиятни ноқонуний эгаллаб олганликда айбламоқда.

ГРУЗИЯДАГИ МУХОЛИФ КУЧЛАР

президент истеъфосини талаб қилмоқда

Грузия пойтахти Тбилисида 9 апрелдан буён мухолиф кучларнинг норозилик митинги давом этмоқда. Улар мамлакат президенти Михаил Саакашвили истеъфосини талаб қилмоқда.

Грузия Ички ишлар вазирлиги расмий вакилининг маълум қилишича, парламент биноси, телевидение, президент қароргоҳи атрофидаги ва бошқа жойлардаги митинглар тинч ўтмоқда, куч ишлатиш ҳолатлари қайд этилмаган. Аммо мухолифат ИИВнинг бу баёнотини инкор этиб, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари томонидан мухолифатчиларни қўлга олиш ва уларни дўппослаш ҳолатлари содир этилаётганлиги ҳақида айтмоқдалар. Масалан, мухолифатдаги «Ягона Грузия демократик ҳаракати»нинг уч вакили, «Грузия учун альянс»ининг ёшлар штаби бошлиғи калтакланганлиги ҳақидаги маълумотларни журналистларга тақдим этди. Бироқ ИИВ бу айбловларни рад қилди. «Биз турли фитналарнинг олдини олиш учун намойишчиларга кўринмаган ҳолда намойиш жараёнларини кузатиб бормоқдамиз. Грузияда фаолият юритаётган европалик маслаҳатчилар билан доимий кенгашиб турибмиз», дейилади ИИВ ахборотида.

Дарвоқе, Европа Иттифоқининг Жанубий Кавказдаги вакили давлат ҳокимияти билан мухолифат ўртасида музокара уюштиришга тайёр эканлигини билдирди.

Яна шуни айтиш лозимки, «Regnum» АА хабарига кўра, Грузия маъмуриятининг «Америка сиёсатдонлари бизни қўллайди» деган умиди ўзини оқламади. АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Ричард Эйкер журналистларга маълум қилдики, «мухолифат томонидан Саакашвили истеъфосининг талаб қилиниши Грузиянинг ички ишидир. Бунга АҚШ аралашмайди».

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

I. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга
ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Лот №	Иншоот номи ва манзили	Нархи ҚҚС билан (сўм)	Фойдаланишга топшириш муддати
1	1/1	Наманган вилояти, Чуст тумани, «Гулзор» яшаш жойи даҳасининг сув таъминотини яхшилаш.	230 184 036	2009 йил 1 август
2	1/2	Наманган вилояти, Чортоқ тумани «Гулшан» МФЙнинг сув таъминотини яхшилаш.	115 086 550	2009 йил 1 август
3	1/3	Янгиқўрғон тумани, Заркент, Хадикент, Исковот ва Д.Сатаров номидаги хўжаликлараро сув таъминоти.	2 516 643 733	2010 йил 1 август
4	1/4	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Қорамурут қишлоғидаги 344 ўқувчи ўринли 17-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш	184 607 230	2009 йил 1 август

Буюртмачи: *Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.*
Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Лойиҳани молиялаштириш Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган (сув таъминоти — давлат бюджети, мактаб — мактаб жамғармаси) маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: *танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш баъзасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибасига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматлар)ни таъминлаш бўйича танлов таклифлар берилганда хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдорини берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига*** *қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй, тел/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.*

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

I. Таклифлар очилиши ***(сув таъминотини яхшилаш ва мактабни мукаммал қайта қуриш бўйича)*** матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

II. Таклифлар очилиши ***(зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш бўйича)*** матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уй.

II. НОРИН — СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларга
ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Лот №	Иншоот номи ва манзили	Нархи ҚҚСсиз билан (сўм)	Фойдаланишга топшириш муддати
1	4/1	Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги «Қорақалпоқ» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (80,33 км)	226 815 962	160 кун
2	4/2	Наманган вилоти, Мингбулоқ туманидаги «Қорашаҳар» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (27,52 км)	75 004 904	70 кун

Буюртмачи: *Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Наманган вилояти Норин — Сирдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.*
Телефон: (8-369) 226-38-34, 226-78-53.

Лойиҳани молиялаштириш Гидрогеология мелиоратив экспедициясига Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобилан амалга оширилади.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС

I. На эксплуатацию, техническое обслуживание и текущий ремонт оборудования:
1. Систем вентиляции и кондиционирования воздуха;
2. Систем тепло-, холодо-, водоснабжения;
3. Санитарно-технического назначения и канализации;
4. Систем пожаротушения и пожарной сигнализации;
5. Столовой;
6. Бытовой техники;
7. Пассажирских лифтов.

II. На следующие услуги по администрированию зданию:
1. Промывка поверхности стеклопакетов наружного остекления методом промышленного альпинизма;
2. Консультативные и агротехнические услуги по уходу за декоративными и хвойными растениями, аквариумными рыбками;
3. Организация банкетов, питания гостей.

По всем пунктам необходимо представить сметную экспертизу расчёта стоимости работ.

К рассмотрению будут приниматься предложения, поступившие в течении 10 дней с момента публикации объявления. Датой поступления коммерческого предложения на конкурс будут считаться его регистрация в ГТК РУз.

Справки по телефонам: 120-76-00 (26-05, 20-27)

Адрес: г. Ташкент, проспект Узбекистанский, 3

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссияси Сирдарё вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси Рустам Турдиевга акаси
Абдурауф ТУРДИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БЕШ ҚИТЪАНИ БИРЛАШТИРГАН КУРАШ

«Алпомиш» ўйингоҳи эрталабдан кураш мухлислари билан тўлди. Минглаб ишқибозлар оёқда тик туриб, беллашувларни томоша қилишди.

«Алпомиш» ўйингоҳи мусобақа муносабати билан бутунлай қайта таъмирланди ва жаҳон андазалари асосида жиҳозланди.

Шуниси қувонарлики, ушбу турнирнинг нуфузи тобора ошиб бораяпти. Умумий мукофот миқдори 42 минг АҚШ доллари бўлган навбатдаги мусобақада 5 қитъанинг ўттизга яқин мамлакатидан полвонлар қатнашди. Вазн тоифалари ҳам кўпайди. 60, 66 ва 73 кг. вазн тоифаларида ҳам полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Бу йилги турнирга Африка Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Ласанно Паленфо, Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси Ирена Шевинска фахрий меҳмон сифатида ташриф буюришди. Дунёда Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган Ласанно Паленфо нафақат Африка Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти, балки Африка дзюдо федерацияси президенти сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Ирена Шевинска эса ўз вақтида енгил атлетика бўйича уч карра ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони, ўн маротаба жаҳон рекордини янгилаган номдор спортчи саналади.

Пекин олимпиадаси совриндори бухоролик Ришод Собиров жароҳат олганига қарамасдан 60 кг. вазндаги полвонларнинг финал баҳсида, эронлик рақибини даст кўтариб урганда бутун стадион олқишга кўмилди. Шунингдек, туркиялик Омар Демирси (66 кг.), ҳамюртларимиздан Ўктам Бобоев (73 кг.), Бобомурод Рустамов (81 кг.), Абдулла Холиёров (90 кг.) ҳам ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Юртдошларимиздан Абдулла Тангриев, Ўткир Қурбонов, бразилиялик Рафаэль Карлос Да Сильва, польшалик Павел Малавецлар ярим финалга чиқишди. Абдулла Тангриев Ўткир Қурбоновни, бразилиялик полвон эса польшалик рақибини енгиб, бош соврин учун майдонга тушди.

Дзюдо бўйича Олимпия ўйинлари совриндори ҳамда кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони Абдулла Тангриев финалда бразилиялик Рафаэль Карлос Да Сильва билан беллашиб, устунликка эришди. Учрашувнинг сўнгги сонияларида Рафаэлни елкасидан ошириб ташлаган полвонимиз мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Мухлислар беихтиёр оёққа қалқди. Бу Абдулла Тангриевнинг мазкур анъанавий турнирдаги бешинчи ғалабасидир.

— Рақибим нотаниш полвон эди, — деди Абдулла Тангриев. — Шу боис, уни енгишим осон бўлмади. Мухлисларга раҳмат. Уларнинг қўллаб-қувватлаб турганликлари менга далда бўлди.

Турнирнинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — 10 минг АҚШ доллари билан тақдирланди.

Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси Ирена Шевинска шундай дейди:

— Бундай кўп сонли мухлисларни асосан футбол ёки хоккей бўйича мусобақаларда кўрганман. Қисқа фурсатда кураш дунёнинг беш қитъасида жадал ривожланаётгани бежиз эмас. Кураш ҳалоллиги, юксак инсоний ғоялари билан эътибор қозонмоқда. Ўйлайманки, кураш Олимпия ўйинлари дастуридан жой олишга ҳар томонлама муносиб.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

САФОРА — ИҚЛИМБОП ДАРАХТ

Ўтган йили май ойида Китоб туманининг Зарафшон тоғ тизмалари бағридаги «Наврўз сайил-гоҳи»да «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди. Унга ташриф буюрган япониялик таниқли қадимшунос олим, «Дўстлик» ордени соҳиби Като Кюдзо табиатимизга мафтун бўлгани, кунчиқар юртда ҳам фусункор жойлар кўплиги ҳақида гапирган эди.

Бинобарин, юртимизда ўзга ўлкалардан келтирилган мевали ва манзарали дарахтлар қулф уриб ўсмоқда. Дуб ўзимизники бўлиб қолди. Иссиқ ўлкаларда ўсадиган зайтун ҳам иқлимимизга мослашаяпти. Шахрисабздаги қадимий боғда ўсаётган айрим дарахтлар юз йиллар бурун Африкадан келтирилгани айтилади. Биргина Қашқадарё вилоятида ўрмонзорлар 65437 гектардан ошиқ. Қарши шаҳрида эса заранг, шамшод, Қрим қарағайи, ясень, ҳинд сирени, писарда каби 20 дан ортиқ турдаги дарахт кўчати мавжуд.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги «Япон сафораси ва каштан дарахти кўчатлари экишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Чунки япон сафораси хушманзаралиги билан бирга, мебелсозликда ҳам мақбул хомашё ҳисобланади. Оқ-сарғиш гуллари ниҳоятда чиройли. Дарахт шўр тупроқ ва сувсизликка ҳам чидамли, у бизнинг иқлимимизга мос тушади.

Қашқадарёлик ўрмончилар ўтган йили 30 минг тупдан ортиқ каштан кўчатлари етиштириб берди. Эндиликда ҳар йили вилоятда камида 40 минг тупдан ошиқ япон сафораси тайёрлаш имконияти бор. Умуман олганда, турфа кўчатлар етиштириш бўйича воҳада яхши тажриба тўпланган. Ҳозир вилоятда 9 та ўрмон хўжалиги бўлиб, уларнинг 83 гектар майдонини кўчатхоналар ташкил этади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маънавий мерос

Бойканднинг бойликлари

Археологик қазишмалар чоғида V-X асрларга оид табобат муассасаси ўрнининг топилиши нафақат мамлакатимизда, балки дунё археологиясида ҳам кутилмаган янгилик бўлди.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманига бораверишда катта йўлнинг чап томонида Сайёд қишлоғига дуч келасиз. Уни кесиб ўтсангиз орқа қисмида даштлик кўзга ташланади. Бу ер сайёдликлар тили билан айтганда «Қалъаи вайрон», археологлар маълумотларига кўра Бойканд шаҳри харобалари ҳисобланади.

Ҳар хил ўсимликлар, буталар оралаб тепаликка яқинлашганингиз сайин тарих ўзини намоён қила бошлайди. Хумлар, сопол буюмлар синиқлари, турли ҳайкалчалар парчалари, қадимий ғиштлар бўлаклари кўзга ташланади. Қачонлардир катта, мустаҳкам, қалин ва баланд мудофаа деворларига эга бўлган, тарихда «жез шаҳар» деб ном олган Бойканд ҳимоя деворларининг қолдиқларидан баъзи ўринларгина давр тўфонларидан омон ўтиб бизгача етиб келган. Деворнинг Ғарб томонидаги чакалакзор орасида қолиб кетган буржлардан бири дарахтлар узра бош кўтариб нажот сўраб турган одамга ўхшайди. Йигирма гектардан ошиқ шаҳристоннинг бир неча маҳаллалари ўрни бу ерда ярим асрдан ошиқ вақт давомида олиб борилган археологик қазишма ишлари натижасида очилиб қолган. Эни 50 метр, узунлиги 350 метрдан иборат ҳар бир маҳалланинг марказидаги кўча, унинг икки чеккасидаги уйлар, хоналар деворларининг вайроналари, ўчоқлар, тандир ўринлари, хумлар қолдиқлари, идиш, буюм парчалари шаҳар аҳли гўё яқин ўтмишда кўчиб кетгандек таассурот уйғотади.

Аслида, буларнинг ҳаммаси ўн аср илгари рўй берган. Бойканд харобалари минг йилдан бери ана шу ҳолатда ётибди. Кейинги маҳалла олдинги маҳалладан юз-юз эллик метр узоқликда жойлашган. Ундан нарида яна бошқа маҳалла иморатларининг вайроналари. Шаҳарга шимолий дарвоза орқали кирилган. Эни 12 метрлик, бўйи 8 метрлик бу дарвоза, археологларнинг маълумот беришларича, жездан ясалган. Дарвозадан киргандан кейин шаҳристоннинг бир неча томонига йўллар кетган. Асосий йўл шаҳар шарқида жойлашган ҳукмдорлар арки — ички шаҳристонга бориб туташган. Ҳукмдор саройи, зардуштийлар ибодатхонаси, кейинчалик унинг ўрнида қурилган Жомеъ масжиди, Бухоронинг Калон минорасидан катта ва баланд бўлган минора, сарой аъёнларининг гўзал ва муҳташам устунли қаср ўринлари сақланиб қолган.

Муаррихлар Бойканд Бухородан қадимийроқ, мустаҳкам ва бой шаҳар бўлган деб маълумот берадилар. Наршахий «Бухоро тарихи» асарида: «Қутайба ибн Муслим Бойканд жуда мустаҳкам бўлганлиги сабабли уни олишда кўп қийинчиликлар кўрди. Уни жездан қурилган шаҳристон дер эдилар. У Бухоро шаҳридан қадимийроқ. Бу вилоятда бўлган ҳар бир подшоҳ ўзи учун Бойкандни турар жой қилар эди. Бойканд аҳолиси бирор кишининг Бойкандни қишлоқ деб аташига розилик берган эмаслар. Агар бирор бойкандлик Бағдодга борса ва ундан «Сен қаердансан?» деб сўрасалар, у «Бойкандданман деган, Бухороданман деган эмас», деб ёзади.

Бойканд ана шу тарихий маълумотда ёзилгандек, катта шаҳар бўлган. Шаҳар аҳолиси ниҳоятда кўп бўлиб, шаҳристондан ташқарида ҳам мингдан ортиқ работлар қурилган. «Йўллар ва мамлакатлар» китобида ёзилишича, «Бунинг сабаби шуки, Бойканд катта ва яхши жой бўлиб, ҳар бир қишлоқнинг аҳолиси у ерда бир работ қуриб унга бир тўда кишиларни жойлаб қўйган. Уларнинг нафақаларини қишлоқдан юбориб турган. Қиш фаслида бошқалар ҳужум қиладиган вақт бўлганида ҳар бир қишлоқ аҳли Бойканддаги ўз работига келиб тушган».

Бу маълумот Наршахийнинг асарида ҳам келтирилади. Шундан кўриниб турибдики, Бойканд Сўғд ўлкасидаги энг катта, бой, аҳолиси кўп, Буюк ипак йўли устидаги, Моровуннаҳр ва Хуросонни ўзаро боғлаб турган йирик савдо шаҳри бўлган. Булардан ташқари, Бойканд Бухоро вилояти ва аҳолиси ҳимояси учун IX асрнинг 20-30-йилларида қурилган «Канпирак девори»нинг асосий қисми — мустаҳкам мудофаа шаҳри сифатида ҳам шуҳрат қозонган.

Шаҳар дарвозасидан аркка борадиган йўл аввал тош билан, кейин қадимий, тўртбурчак шаклдаги мусулмон ғиштлари билан тўшалган. Вайроналар орасида йўлга тўшалган ғиштларнинг бир қисми ҳамон кўзга ташланади. Йўлнинг икки чеккаси биноолар билан тирбанд бўлганлиги, уларнинг қолдиқларидан ҳам англашилади.

— Буларнинг аксарияти савдо расталари, новвойхоналар, ошхоналар, дўконлар бўлган, — дейди Бойканд шаҳар тарихий музейи директори, археолог Нурмамат Собиров. — Буни ушбу биноларнинг ўчоқ, тандир ўринлари, катта-катта хум қолдиқлари ҳам исботлайди. Қолаверса, бу биноларнинг новвойлар, ошпазлар, савдогарларнинг жуда кўп буюмлари топилган. Эрамиздан олдинги зардуштийлар замонларидан милодий X асрнинг охирларигача халқ ҳаёти учун зарур бўлган идишлар, буюмлар, қурол-аслаҳалар, тангалар ва бошқа нарсалар намуналари қазиб олинди. Энг ҳайратланарлиси, шаҳар марказидан V-X асрларга оид, ғаройиб буюмларга тўла иморатнинг топилиши бўлди.

Бу ерда қазишма ишларини олиб бораётган археологлар дастлаб ушбу иморат дўконми, сартарошхонами, ҳаммомми — ниманинг қолдиғи эканини билмадилар. Аллақандай узун-узун шиша найчалар, колбалар, яна қандайдир шиша буюмлар топдилар. Занг босиб кетган темир қайчилар, пичоқлар, наштарсимон буюмлар, кичик-кичик кўзалар гоҳ бутун, гоҳ синган ҳолда вайроналар остидан чиқаверди. Археологлар буларни кўриб Бойканд савдогарларидан бирининг дўкони бўлса керак деган фикрга келдилар.

Қазишма ишлари давом эттирилди. Вайрон бўлган пахса девор тагидан катта хумнинг бир бўлагида битилган ёзув бор экан. Ёзув Бойкандда яшаган одамлардан бирининг табибга ҳар хил дорилар тайёрлаб бериш тўғрисидаги буюртмаси бўлиб чикди. Шундан кейин бу бино дорихона бўлгани, бу ердан топилган идишлар эса табибларнинг дори тайёрлаш ва одамларни даволашда ишлатган буюмлари эканлиги аниқланди.

— Бу ердан топилган шиша найчалар ва колбалар шундай нафис, ғаройиб қилиб ишланганки, бугунги кунда доришунослик лабораторияларида ишлатиладиган идишлардан асло қолишмайди, — дейди Нурмамат Собиров. — Фанда аламбиклар деб аталадиган бу буюмлар билан табиблар касаллардан қон олган, уларга қон қуйган. Колбаларда эса дори тайёрлаган. Бинонинг ўрни катталигига қараганда, бу ер фақат дорихона вазифасинигина бажариб қолмаган, беморларни даволаш ишлари ҳам амага оширилган. Шунинг учун бу жойни археологлар «дорихона» деб номлашди. Археологик қазишмалар чоғида V-X асрларга оид табобат муассасаси ўрнининг топилиши нафақат мамлакатимизда, балки дунё археологиясида ҳам кутилмаган янгилик бўлди.

Бойкандда дорихона фақат шу жойнинг ўзидагина бўлмаган. Шаҳристондаги марказий кўча четидаги биноларнинг яна иккитасидан ана шундай буюмлар топилган. Демак, бу шаҳарда дорихоналар кўп бўлган.

Бойканддаги сингари дорихона, касалхоналар юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги шаҳар, қалъа, қўрғонларда бўлган. Тарихий маълумотлар шундан дарак беради.

Бойканд шаҳри тарихи мумзейидаги элликдан ошиқ тиббий буюмлар каби табобат соҳасида фойдаланилган шиша идишлар юртимиздаги бошқа музейларда ҳам мавжуд. Хўш, илк ўрта асрларга мансуб бу шиша идишлар, тиббий буюмлар қаерда ишлаб чиқарилган ва қаердан келиб қолган?

— 1957 йилда академик, археолог А.Окладников (бу ўша Сурхондарёдаги Бойсун тоғи ғоридан неандерталь боланинг қабри ва суякларини топган олим) мени ҳузурига чорлади, — деб эслайди профессор Абдуғани Абдураззоқов. — Бордим, академик менга Сибирдаги Ангара дарёсининг чап ирмоғи, Унге дарёси бўйида Братск ГЭСини қуриш пайтида ер остидан катта бир шаҳар қўрғони топилгани ва бу қўрғонда VI-XI асрларда туркий халқлар яшаганлиги ҳақида гапириб берди. Қўрғондан топилган хумлар, бронзадан ишланган ҳар хил идиш парчаларини, сопол буюмлар қолдиқлари ва шиша синиқларини кўрсатди. «Сибирь ўлкасидаги туркий халқлар орасида Ўрта Осиёдан келиб яшаган одамлар бўлишган. Улар сўғдликлар бўлиши мумкин. Бу ердаги идишлар, буюмларнинг аксарияти ўшаларникига ўхшайди, — деб изоҳ берди академик. — Лекин бир нарсани аниқлай олмаётибмиз. Мана бу шиша синиқлари, шиша буюмлар қолдиқларини бир кўринг. Улар шу ерда ишлаб чиқарилганми ёки четдан келтирилганми, шуни аниқлаб берсангиз».

Мен ишга киришдим.

Илмий фаолияти шишасозлик тарихи соҳаси бўлган Абдуғани Абдураззоқов бу ноёб топилмаларни лабораторияда кимёвий ва спектр асосида текширувдан ўтказади. Оч мовий, бироқ ниҳоятда тиниқ бўлган, нафис ва мустаҳкам ишланган шиша идишларнинг таркиби аниқланади. Маълумки, шишадан фойдаланиш Ўрта Осиёда баъзи тарихчилар ёзганидек, XVIII асрдан кейин эмас, балки уни ишлаб чиқариш қадимда III-IV асрларда бошланган. Сўғдиёна, хусусан, Бойкандда ҳам III-IV асрларда шиша ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар маҳаллалари бўлган.

Эронда шиша тайёрлашга VI-VIII асрларда, бошқа ўлкаларда эса VIII асрнинг иккинчи ярмидан кейин киришилган. Бу маҳаллалардаги ҳунармандлар ўз фаолиятларини то Бойканд шаҳри харобага айлангунча, XI-XII асрларгача давом эттирганлар.

Бойканд илк ўрта асрларда ва ўрта асрлардан кейин ҳам шишасозлик марказларидан бири даражасига кўтарилган. Буни шаҳар атрофида шиша хомашёларининг ниҳоятда кўплиги, шиша ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган кимёвий моддалар қолдиқлари, рудалар эритмалари, шиша буюмлар намуналари ҳам исботлайди. Бундай намуналарга шаҳар вайроналарида ҳар қадамда дуч келасиз.

— Мен ўша пайтларда Ўрта Осиёдаги, аниқроғи, юртимиздаги Афросиёб, Шоҳруҳия, Ахсикент, Бойканд, Термиз ва бошқа жойларда ишлаб чиқарилган шишалар ва шиша буюмларнинг таркибини текшириб кўргандим, — дейди Абдуғани Абдураззоқов. — Ишонасизми, Сибирдан топилган шиша буюмлар таркиби айнан Бойканда ишлаб чиқарилган шиша буюмлар таркиби билан бир хил бўлиб чикди. «Бойканд милодий эранинг бошларидан бошлаб бронза, жез, кумуш, олтин, шиша ишлаб чиқаришда етакчилик қилган. Шунинг учун ҳам бу шаҳар Буюк ипак йўлида Сўғдиёнанинг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Эрамизнинг IV-XI асрлари оралиғида Шарқ ва Ғарб мамлакатларига шиша идишлар, буюмлар худди ана шу ердан тарқалган.

Мен кейинчалик Хитой ва Ҳиндистонда бўлганимда ҳам қадимий Бойкандда ишлаб чиқарилган шиша буюмларни кўп кўрдим. Франция, Англия, Италия, Миср каби давлатларнинг музейларидаги тарихий ашёлар орасида Бойкандда шишадан тайёрланган аламбиклар, найчалар, финжонлар ва бошқа буюмларни учратдим.

Олимнинг шишалар таркиби билан боғлиқ тадқиқотлари билан танишиб чиқдим. У фақат Бойканд шишаларини ўзинигина текшириб қолмаган, бу замин тупроғи, қуми, рудалари, суви таркибини ҳам ўрганиб чиққан. Уларнинг шиша таркибидаги моддалар билан бир хил эканлигини аниқлаган. «Ҳар бир жойнинг замини худди инсон бармоғининг учидаги тери қопламаларига ўхшайди. Дунёда бармоқ учидаги тери қопламлари бир хил одам бўлмагани каби замини бир хил бўлган жой йўқ», дейди олим. Унинг илмий хулосаларини дунё шишасоз олимлари тасдиқлашди. Демак, Бойканд дорихонасидан топилган шиша буюмлар шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилган.

Олим ҳам, археолог ҳам, муаррихлар ҳам ҳақ. Бойканд ўрта асрларда нафақат дорихоналари, табиблари, алкимёгарлари, тиббий аламбиклари, балки шишасозлиги, ҳунармандчилиги, бойлиги билан Осиё ва Европада шуҳрат қозонган шаҳарлардан бири бўлган.

Бугун Бухоро вилоятининг бир чеккасида Бойканд вайроналари ястаниб ётибди. Бу ердан топилган айрим буюмлар орқали бу шаҳар тарихининг бир қисмидан воқиф бўлдик, холос. Бойканднинг бағрида ҳали қанча ашёлар, қанча тарих ҳақиқатлари кўмилиб ётибди.

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 22.40
8
Sotuvda erkin narxda